

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди  
№ МО 10-119  
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирининг  
2020 йил “7” декабрь даги  
648 - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.**

**“Автомобилсозлик ва тракторсозлик”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

**Тошкент – 2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий, урта маҳсус ва профессионал таълим йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини  
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

*2020 йил 30-октябрдаги 6- сонли баённомаси билан маъқулланган.*

**Тузувчилар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”  
модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов,  
т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”  
модули: и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова ,  
п.ф.н., доц. М.Дехканова

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”  
модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи  
Р.Ишмухамедов

“Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий  
этиш” модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц.  
В.Каримова.

“Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули:  
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева,  
У.Гиясова, Ш.Файзуллаева

Маҳсус фанлар бўйича: т.ф.н., доцентлар С.Т. Юнусхўжаев,  
Ш.Т.Равутов., т.ф.ф.д.(PhD) Н.Н.Омонов, катта ўқитувчилар,  
Н.Б.Абдурахмонов, Ж.Б.Мирзаабдуллаев, С.М. Фиясов.

**Тақризчилар:**

т.ф.д., Б.И.Базаров. ТАЙЛҚЭИ, “Ташишини ташкил этиш”  
кафедраси профессори.

**Хорижий эксперт:** т.ф.д., Д.В.Капский БДМТУ, “Автотрактор”  
факультет декани (Белоруссия)

Ўқув дастури Тошкент давлат техника университети Кенгашининг қарори билан  
тасдиққа тавсия қилинган (2020йил \_\_\_\_\_даги - сонли баённома).

## **КИРИШ**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанди 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўнималарини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмuni, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, қўникма,

малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

### **I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар**

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

### **II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш**

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

### **III. Мутахассислик фанлар**

- 3.1. Автомобилсозликда замонавий технологиилар.
- 3.2. Автомобилсозлик ва тракторсозликда компьютерли лойиҳалаш.
- 3.3. Транспорт воситаларида қўлланиладиган алтернатив ёнилғилар.
- 3.4. Машиналар диагностикаси ва техник хизмат кўрсатиш.

### **VI. Малакавий аттестация**

## **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари “Автомобилсозлик ва тракторсозлик” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва мутахассислик фанлардан дарс берувчи педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндашувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илгор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифалари** қўйидагилар киради:

- “Автомобилсозлик ва тракторсозлик” таълим йўналишида педагог кадрларнинг замонавий касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Автомобилсозлик ва тракторсозлик” таълим йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- автомобиллар конструкциясига қўйиладиган талабларни;
- автомобиллар ҳамда уларнинг компонентларини ишлаб чиқарувчи дунёдаги энг илфор компания ва фирмаларни;
- трансмиссияларнинг асосий таркибий қисмлари, уларнинг техник даражасини ошириш ва такомиллаштириш йўналишларини;
- автомобил трансмиссияларининг ривожланиш истиқболларини;
- шассиларнинг истиқболли тузилмалари ва асосий принципларини;
- автомобилсозлик ва тракторсозликда компьютерли лойиҳалаш (CAD-САМ-САЕ) дастурларини;
- хорижий давлатлар компанияларининг Ansys, Solidworks Simulation, NX САЕ дастурларини ҳозирги вақтдаги таҳлилини;
- альтернатив ёнилғилар классификацияси ва улардан фойдаланиш самарадорлигини;
- газлар ва газсимон ёнилғиларни истеъмол қилинишининг асосий йўналишларини;
- асосий ноуглеводород компонентларининг характеристикаларини;
- газсимон ёнилғилар сифатини назорат қилиш методлари, воситалари ва тартибини;
- хорижий давлатларда хизмат кўрсатиш соҳаларини;

- Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини;
- хизмат кўрсатиш корхоналарининг жиҳозланганигини;
- транспорт тизимларига хизмат кўрсатадиган корхоналардаги жиҳозларининг ҳозирги кундаги ҳолати ва турларини;
- яратиладиган мослама ва асбобларнинг мустаҳкамлиги, ҳаммабоплигини таъминлаш асослари ҳамда уларни тайёрлаш имкониятларини ***билиши*** керак.

**Тингловчи:**

- автомобиллар ҳамда уларнинг компонентларини ишлаб чиқарувчи дунёдаги энг илғор компания ва фирмалар билан ишлаш;
- автоматик бошқарувнинг тизим ости элементларидан фойдаланиш;
- CAD-CAM-САЕ дастурлардан фойдаланиш;
- алтернатив ёнилғилар фойдаланиш;
- газ баллонли автомобиллар учун ёнилғи сарфини нормалаш;
- эксплуатацияда газсимон ёнилғи сарфини ўлчаш;
- газсимон ёнилғилар сифатини назорат қилиш методлари ва воситаларидан фойдаланиш;
- ёниш маҳсулотларининг туташи ва нурланишни ўрганиш;
- машиналарни ювиш ва тозалаш бўлими жиҳозлари ва қурилмаларидан фойдаланиш;
- машиналарни диагностикалашда қўлланиладиган замонавий жиҳозлардан фойдаланиш ***кўникмаларига*** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- рессорланган ва рессорланмаган масалаларни ечиш;
- замонавий автомобиллар осмаларини таҳлил қилиш;
- CAD-CAM-САЕ дастурларини ўқув жараёнида қўллаш;
- дастурларнинг ҳозирги вақтдаги таҳлили ва ишлаб чиқаришда қўлланишини таҳлил қилиш;
- хориж давлат компаниялари AutoCAD, Solidworks, NX дастурларидан фойдаланиш;
  - хориж давлат компаниялари MasterCAM, ArtCAM, SolidCAM. дастурларидан фойдаланиш;
- хориж давлат компаниялари Ansys, Solidworks Simulation, NX САЕ. дастурларининг ҳозирги вақтдаги таҳлилини амалга ошириш;
- автомобиллардан ҳар хил газсимон ёнилғилар қўлланилишини баҳолаш;
- ёнилғининг ёнилғи тизими бўйлаб узатилишини таҳлил қилиш;
- машинага ўрнатилган диагностикалаш қурилмаларини таҳлил қилиш ***малакаларга*** эга бўлиши зарур.

## **Тингловчи:**

- хориж давлат компаниялари Ansys, Solidworks Simulation, NX CAE. Дастурларини ўқув жараёнида қўллаш;
- ювиш жараёнининг экологик хавфсизлигини таъминлаш;
- техник воситаларни диагностикалашда қўлланиладиган автоматик бошқариш тизимлари ва ишлов бериш усулларидан самарали фойдаланиш;
- диагностикалаш натижалари буйича хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш технологияларини тўғри танлаш йўли билан машиналарнинг самарадорлигини оширишга оид тавсиялар ишлаб чиқиши **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

## **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажralмаган мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажralган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **“АВТОМОБИЛСОЗЛИК ВА ТРАКТОРСОЗЛИК” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИННИГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

### **I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР**

#### **1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.**

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Кўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услугубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмuni. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимиға оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимиға тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

## **1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.**

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш обьектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-loyiҳalarни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичмабосқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчининг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп

етиш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

### **1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.**

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (лойиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўtkазиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.қ.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аник фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникиси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

## **II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

### **2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.**

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъruzza, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш. Булутли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимидали интерактив ўқув-услубий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

## **2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.**

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиши) кўнимкамларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўнимкамларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитиши лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўнимкамларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқовқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордиқ, телефонда сұхбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

## **III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ**

### **3.1. Автомобилсозлиқда замонавий технологиялар.**

Замонавий технологияларга қонунлар томонидан ўрнатиладиган чекловлар. Автомобиллар конструкциясига қўйиладиган талаблар. Автомобиллар ҳамда уларнинг компонентларини ишлаб чиқарувчи дунёдаги энг илфор компания ва фирмалар.

Трансмиссияларнинг асосий таркибий қисмлари, уларнинг техник даражасини ошириш ва такомиллаштириш йўналишлари. Автоматик

трансмиссиялар. Карданли узатмалар, юритма валлари ва бош узатмалар. Тўла юритма. Электрон бошқарув ва келажак.

Бош узатма, дифференциал. Автоматик трансмиссиялар. Автоматик бошқарувнинг тизим ости элементлари. Планетар узатмаларнинг конструктив варианлари. Вариаторли узатмалар қутилари. Автомобил трансмиссияларининг ривожланиш истиқболлари.

Асосий конструктив ва технологик принциплар. Шассиларнинг истиқболли тузилмалари ва асосий принциплари. Рессорланган ва рессорланмаган масалалар. Замонавий автомобиллар осмалари. Мак-Ферсон осмаси. Бошқарув тизими. Тормоз бошқаруви. Фаол хавфсизлик тизимлари.

### **3.2. Автомобилсозлик ва тракторсозликда компьютерли лойиҳалаш.**

Автомобилсозлик ва тракторсозликда компьютерли лойиҳалаш (CAD-CAM-CAE) дастурлари билан танишиш. CAD-CAM-CAE дастурларини ўқув жараёнида қўллаш. CAD-CAM-CAE дастурларининг таснифланиши ва даражаланиши.

CAD дастурлари ишлаб чиқарувчилар. Дастурларнинг ҳозирги вактдаги таҳлили ва ишлаб чиқаришда қўлланиши. Хориж давлат компаниялари дастурлари AutoCAD, Solidworks, NX.

CAM дастурлари ишлаб чиқарувчилар. Дастурларнинг ҳозирги вактдаги таҳлили ва ишлаб чиқаришда қўлланиши. Хориж давлат компаниялари дастурлари MasterCAM, ArtCAM, SolidCAM.

CAE дастурлари ишлаб чиқарувчилар. Дастурларнинг ҳозирги вактдаги таҳлили ва ишлаб чиқаришда қўлланиши. Хориж давлат компаниялари дастурлари Ansys, Solidworks Simulation, NX CAE. дастурларининг ҳозирги вактдаги таҳлили.

### **3.3. Транспорт воситаларида қўлланиладиган алтернатив ёнилғилар.**

Алтернатив ёнилғиларнинг ер усти транспорт тизимларида қўлланилиши. Алтернатив ёнилғилар классификацияси ва улардан фойдаланиш самарадорлиги. Сиқилган ва суюлтирилган углеводород газлари.

Табиий нефт газлари. Газсимон ёнилғиларнинг умумий характеристикаси. Газлар ва газсимон ёнилғиларни истеъмол қилинишининг асосий йўналишлари. Асосий ноуглеводород компонентларининг характеристикалари.

Газ балонли автомобиллар учун ёнилғилар. Автомобиллардан ҳар хил газсимон ёнилғилар қўлланилишини баҳолаш. Газ баллонли автомобиллар учун ёнилғи сарфини нормалаш. Эксплуатацияда газсимон ёнилғи сарфини ўлчаш. Газсимон ёнилғилар сифатини назорат қилиш методлари, воситалари ва тартиби.

Газсимон ёнилғиларнинг эксплуатацион хоссалари. Ёнилгининг ёнилғи тизими бўйлаб узатилиши. Ёниш маҳсулотларининг туташи ва нурланиши.

Ёнилғининг қурум ҳосил қилиш мойиллиги. Ёнилғининг коррозион агрессивилиги.

### **3.4. Машиналар диагностикаси ва техник хизмат кўрсатиш.**

Хорижий давлатларда хизмат кўрсатиш соҳалари. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг жиҳозланганлиги. Транспорт тизимларига хизмат кўрсатадиган корхоналардаги жиҳозларининг ҳозирги кундаги ҳолати ва турлари.

Машиналарни ювиш ва тозалаш бўлими жиҳозлари ва қурилмалари. Ювиш жараёнининг экологик хавфсизлигини таъминлаш. Машиналарни диагностикалашда қўлланиладиган замонавий жиҳозлар. Машинага ўрнатилган диагностикалаш қурилмалари.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида турли мосламалар ва асбобларни яратиш асослари. Деталларни ечиш ва ўрнатиш. Яратиладиган мослама ва асбобларнинг мустаҳкамлиги, ҳаммабоплигини таъминлаш асослари ҳамда уларни тайёрлаш имкониятлари.

## **IV. МАЛАКАВИЙ АТТЕСТАЦИЯ**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўкув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўкув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўкув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўкув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли

талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўкув адабиётлари (дарслик, ўкув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинганди диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурухи учун 1 та очик дарс ўтказадилар. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йигиалишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;
- ўкув машғулотларининг ҳар хил турлари (маъruzalar, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;
- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;
- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш;
- мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

## **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантидаги манбалардан фойдаланилади.

## **АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, -2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнда “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 март “Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМ 129-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 октябрь “Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари тармоғини ривожлантириш ва автотранспорт воситаларини сиқилган табиий газга босқичли ўтказиш, ҳамда уларда газбаллон асбоб-ускуналарини хавфсиз ишлатишни таъминлаш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМ 815-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 сентябрь “Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ВМ 273-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

22. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.  
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
23. Automobile Electrical and Electronic Systems. Automotive technology: Vehicle Maintenance and Repair .Park Square США, -2012.
24. Большаков В. П., Бочков А. Л. Основы 3D-моделирования. Изучаем работу в AutoCAD, КОМПАС-3D, SolidWorks, Inventor. - СПб.: Питер, 2013.
25. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
26. Гулобод Құдратуллох қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Аньанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказы” нашриёти, 2019. 312 б.
27. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
28. Dugan Um. Soild Modeling and Applications. CAD/CAE. Rapid Prototyping/ Springer. USA, -2016.
29. Дэниэлс Дж. Современные автомобильные технологии. -М.: ООО «Издательство АСТ», 2013.-223 с.
30. Дементьев Ю.В, Щетинин С САПР в автомобиле и тракторостроении. под общ. ред. М.В. Шарипова, -М.: «Академия», 2004
31. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
32. Mitchell H.Q, Marilena Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
33. Mitchell H.Q “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
34. Иванов А.М. и др. Основы конструкции современного автомобиля. 2-изд-М.: Инженеринговый научно-образовательный центр «СМАРТ», 2017.-348 с.
35. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.  
[http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
36. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
37. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
38. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
39. Ксеневич И.П., Шарипов В.М., Арустамов Л.Х. и др. Тракторы. Конструкция. -М.: «Машиностроение», 2010.

40. .Kunwoo Lee. Principles of CAD-CAM-CAE systems. Addison-Wesley, USA, -2003.
41. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
42. Махмудов F.H. Автомобилларнинг элеектр ва электрон жиҳозлари. З-нашр, қайта ишланган ва тўлдирилган. – Т., – 2015. - 315 б.
43. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг қўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3.\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
44. Supply Chain Management and Transport Logistics. Routledge США, -2012.
45. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
46. Tajiboyev A.A., Sidiqnazarov Q.M, Ibrohimov K.I., Kuznetsov N.V. Ishonchlilik nazariyasi va diagnostika asoslari.-Т.: TAYI,2015.-296 b.
47. Xakimov J.O. Kompyuterli loyihalash.-Т.: “Adabiyot uchquni”, 2018.- 255 b.
48. Yunusxojayev S.T. Traktor va Qishloq xo‘jaligi mashinalarining texnik diagnostikasi. -Т.: ToshDTU, 2011. -84 b.
49. Yunusxodjaev S.T., Ergasheva Z.K. “Diagnostika asoslari” fanidan laboratoriya ishlarining bajareish uchun uslubiy ko‘rsatmalar. – Т.: ToshDTU,2017. - 40 b.
50. Yunusxodjaev S.T. , Mamasoliyeva M.I. “Traktor va qishloq xo‘jaligi mashoinalarini texnik diagnostikasi» fanidan laboratoriya ishlarini bajarish uchun uslubiy ko‘rsatmalar.- Т.:ToshDTU, -2017.-24 b.
51. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
52. Шарипов. В.М. “Конструирование и расчет тракторов”. -М.:МГТУ «МАМИ», 2004. – 588с.

#### **IV.Интернет сайтлар**

53. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
54. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
55. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
56. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
57. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
58. [www.sciencemag.com](http://www.sciencemag.com)
59. [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org)
60. [www.wiley.com/college/callister](http://www.wiley.com/college/callister)
61. [www.WileyPLUS.com](http://www.WileyPLUS.com)

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази  
Директор \_\_\_\_\_ Т.Т.Шоймардонов  
“\_\_\_\_\_” 2020й.  
М.Ү.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини  
oshiришни ташкил этиш ҳамда  
мувофиқлаштириш бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ Ф.Т.Эсанбобоев  
“\_\_\_\_\_” 2020й.  
М.Ү.

Тошкент давлат техника университети  
Ректор \_\_\_\_\_ С.М.Турабджанов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ү.

Тошкент давлат техника университети  
хузуридаги педагог кадрларни қайта  
тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
oshiриш тармоқ маркази  
Директор \_\_\_\_\_ К.К.Қуролов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ү.

